O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI BAXMAL TUMANI HOKIMINING QARORI

IND:131000 *O’smat sh. Mustaqillik ko’chasi 42-uy.*

2022 - yil 20 - oktabr 364-3-44-Q/22 Baxmal tumani hokimligi

Бахмал тумани ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида“ги 172-сонли қарори ижроси, туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 22 июндаги 7/313-сонли ахборот хатларини инобатга олиб, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бахмал тумани Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 22 июндаги 7/313-сонли ахборот хати маълумот учун қабул қилинсин.

2.Туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида автомобил йўлларига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари олдида 5.46 “Мактаб” йўл белгилари ўрнатилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ш.Султанов) ва туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (А.Сулайманов), ҳудудлардаги фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда

йўл белгиларини йўл ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос равишда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

4. Мазкур қарор “Бахмал ҳаёти” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қулжанов ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи А.Жалолов зиммаларига юклатилсин.

Tuman hokimi **M.Anarbayev**